

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “РУУС АЛ-МАСАИЛ” АСАРИ ҲАҚИДА

С.С.Саиджалолов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8107301>

Аннотация. Маҳмуд Замахшарий Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан буюк муфассир, мутакаллим, фақиҳ. Мовароуннаҳрда илмий, маданий ва иқтисодий ҳолат таназзулга тушиб қолган пайтда Маҳмуд Замахшарий фидоий олимлар билан илмни жонлантиришга ва қайта тиклашга хизмат қилган. Унинг ўнта асари ҳозирги кунда маълум бўлиб, бу асарлар устида илмий тадқиқотлар тўхтовсиз давом этиб келмоқда.

Калит сўзлар: Нўъмон ибн Собит, Маҳмуд Замахшарий, Яъқуб ибн Иброҳим, Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Идрис Шофеий, Руус ал-масаил, Тож ат-тарожум, ал-Аълам.

Маҳмуд Замахшарийнинг бизгача етиб келган ягона фикҳий асарининг тўлиқ номи- “Руусул-масаил ал-хилафия байна Аби Ҳанифата ваш -Шофеий” (“Имом Абу Ҳанифа ва Шофеий орасида ихтилоfli бўлган асосий масалар”) бўлиб, айна пайтда унинг қўлёзмаси Ирландиянинг Дублин шаҳри Честербити кутубхонасида 3600-рақам остида сақланади¹. Қўлёзманинг факсимиле нусхаси Маккаи мукарраманинг “Уммул-қуро” университети кутубхонасида мавжуд².

Честербити қўлёзмалари фонди билан олиб борилган электрон ёзишмалар натижасида “Руус ал-масаил”нинг қўлёзмасининг электрон нусхасини олишга муваффақ бўлинди³.

Қози ибн Халликон “Вафаёт ал-аъён”⁴да “Руусул-масаил”ни Замахшарий асарлари қаторида санаган. Хайруддин Зириклий “ал-Аълам”⁵, Ибн Қутлуғбека “Тож ат-тарожум”⁶да ҳам айнан шу нарса қайд этилган. Шунингдек, Ҳожи Халифа “Кашф аз-зунун” ҳамда Исмоил ал-Бағдодий “Ҳидоят ал-орифийн” асарларида ҳам Замахшарий қаламига мансуб “Руусул-масаил” борлиги ҳақидаги маълумотларни келтиришган.

Қўлёзманинг факсимиле нусхаси Маккаи мукарраманинг “Уммул-қуро” университети кутубхонасида мавжуд⁷.

Честербити қўлёзмалар каталогига унга қуйидагича тавсиф берилган:

“Аз-Замахшарийнинг «Руус ал-масаил» асари (538-1144 в.э.) (Ҳанафий ва Шофеий мазҳаблари орасидаги фарқли бўлган ҳуқуқий масалаларга бағишланган рисола) 106 саҳифа. Саҳифалар бўйи 17, эни 13.1 см. Насх хати. Хаттот – Абдурраҳмон ибн Жандар ибн Айюб Шиблий. 576 ҳижрий йилнинг Ражаб ойи (милодий 1180).” Кўчирилган бошқа нусхаси мавжуд эмас⁸”

Шиблийлар – бугун араб дунёсида кенг тарқалган қабила авлодлари. Саудия Арабистони, Сурия, Жазоир, Ўмон ва Фаластин каби давлатларда Шиблий авлодлари истиқомат қиладилар. Шиблий нисбасининг келиб чиқиши борасиди араб тилидаги интернат контентда бир-бирига ўхшаш тахминга дуч келиш мумкин. Шиблий –

¹ Арберри. Честербити Араб қўлёзмалари каталоги.. –Дублин, 1958. -Ж.3. –Б.44.

² Маҳмуд Замахшарий. Руусул-масаил ал-хилафия байнал-ҳанафия ваш-шафия. –Байрут: Дорул-башаирил-исламия. 2007. -620 б.

³ Chester Beatty Library. CBL AR 3600.

⁴ Қози ибн Халликон. “Вафаёт ал-аъён анбау абна аз-заман”. Байрутю “Дор содир”.1997. Ж.5.-Б.169.

⁵ Хайруддин аз-Зириклий. “Ал-Аълам”. “Дор ал-илм лил-малайин”, 2002. 7-ж. -Б.178

⁶ Ибн Қутлуғбека, Тожут-таражим фий табақотил-ҳанафия. www.alwarrag.com. Ж.1. –Б.24

⁷ Маҳмуд Замахшарий. Руусул-масаил ал-хилафия байнал-ҳанафия ваш-шафия. –Байрут: Дор башаир ал-исламия. 2007. -620 б.

⁸ Ўша асар.-Б.1.

қахтоний араб қабиласи бўлиб, унинг номи Шибл ибн Амр ибн Адий ибн Тойдан келиб чиққан⁹. Қахтон Худ пайғамбарнинг ўғлидир. Араблар икки қисмдир: адноний¹⁰ ва қахтоний араблар. Адноний араблар Рабиъа, Музор, Қайс ва Айлон қабибаларидан иборат. Қахтоний араблар Ямандаги турли қабилалар авдодларидир¹¹. Хаттотнинг Шиблий тахаллусига эга эканини ва қўлэзманинг узоқ вақт Шом ўлкасида сақланганини эътиборга олинса, қўлэзма Хоразмда эмас, Шом (Сурия)да кўчирилган деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Бошқа тарафдан, бугун Ироқда ҳам шиблийлар авлодлари истиқомат қилади ва уларнинг орасида Шиблий тахаллусли шайхлар ва мухтарам инсонлар бор¹². Замахшарий умрининг охирида ўз китобларини Бағдоддаги Абу Ҳанифа қадамжосида вақф қилгани нуқтаи назаридан, “Руус ал-масаил” қўлэзмаси Бағдодда кўчирилган ва сақланган деган хулоса ўринли.

Асар форзацининг биринчи саҳифаси юқори қисмига “Калимаи тоййиба” – «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур-росулulloҳ» ёзуви битилган. Унинг остида “Руус ал-масаил лил-аллома аз-Замахшарий саҳиб ал-Кашшаф”, Яъни “ал-Кашшаф соҳиби аллома Замахшарийнинг Руус ал-масаил асари” ибораси ёзилган. Саҳифанинг чап томони юқори қисмида “Мин кутуб ал-абд ал-аҳқар ас-Саййид Абдуллоҳ ал-Қози Салонийк сумм интақала ила сулук ал-фақр илайҳи таъала Саййид Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Адрабавий уфия анхума ал-Барий” – “Ожиз банда Салоникнинг собиқ қозиси ожиз банда Саййид Абдуллоҳнинг кутубхонасидан. У кейинчалик фақр сулугига ўтди. Аллоҳ унга офият ато қилсин” ибораси битилган. Салоники шаҳри айни пайтда Грециянинг иккинчи йирик шаҳри ҳисобланади. У XV-XX асрлар оралиғида Усмонлилар империясининг таркибида бўлган. Шу жаҳатдан Салоники қозисининг китоблари орасида “Руус ал-масаил” қўлэзмаси бўлганини англаш мушкул эмас ва бундан XX асрга келиб, қўлэзманинг Ирландияга саёҳат қилиши сабаблари ойдинлашади.

Умрини кончилиққа бағишланган, Колумбия университетидан тоғ инженерлиги соҳасида олий маълумот ҳосил қилган америкалик Алфред Честер Битти (1875-1968) саъй ҳаракати билан Дублинда 1950 йилда Честербити кутубхонаси ташкил қилинган¹³. Сер Честернинг сеvimли машғулотларидан бири Шарқ қўлэзмаларини йиғиш эди. Кутубхонанинг айнан Дублинда ташкил қилиниши асосчисининг асли келиб чиқиши ирландиялик экани билан изоҳланади. 4000дан ортиқ араб ва форс тилларидаги қўлэзмалардан ташкил топган мазкур кутубхона-музей 2002 йилда Европанинг энг яхши музейи сифатида эътироф этилган. Маҳмуд Замахшарийнинг бизгача етиб келган ягона фикҳий асари “Руус ал-масаил”нинг ягона қўлэзмаси айнан Честербитидан 3600 рақами билан ўрин эгаллаган.

Китоб форзацининг иккинчи саҳифаси юқори қисми марказида “Китаб Руус ал-масаил лиз-Замахшарий” – “Замахшарийнинг Руус ал-масаил китоби” ибораси битилган. Саҳифанинг чап тарафида “Алҳамдулиллаҳ, толаъа фийҳи мустафийдан ал-фақру Алоуддин ат-Таробулусий ал-Ҳанафий имам ал-Жомеъ ал-Уммавий уфия анху. 1027” – “Уммавийлар Жомеъи имоми фақийр Алоуддин ат-Таробулусий мазкур китобдан

⁹ <https://www.majalisna.com/wp/omani-tribes/alshibli/>

¹⁰ <https://ar.wikipedia.org/wiki/%D8%B9%D8%AF%D9%86%D8%A7%D9%86%D9%8A%D9%88%D9%86>

¹¹ <https://ar.wikipedia.org/wiki/%D9%82%D8%AD%D8%B7%D8%A7%D9%86%D9%8A%D9%88%D9%86>

¹² <https://alfrejat.ahlamontada.net/t556-topic#top>

¹³ Хуршид Маъруф. Американинг мис кироли. <https://islom.uz/maqola/17273>

фойда олган ҳолда уни мутолаа қилди”. Мазкур битик XVII аср (1618 йил)га тегишли ва келиб чиқиши Ливиянинг Триполи шаҳридан бўлган Шайх Алоуддин Али ибн Муҳаммад ибн Носириддин ат-Таробулусий ад-Димашқий ал-Ҳанафийга тегишли экани билан диққатга сазовордир. У ҳақда Шамсиддин Зириклий ўзининг “Ал-аълам” асарида шундай ёзади: “Асли Таробулусдан бўлган Али ибн Муҳаммад Димашқий Алоуддин: Қуръон қироати ва фароиз илми бўйича олим эди. Ҳанафий мазҳабининг фозил олимларидан. Дамашқдаги Уммавийлар жомеъида дарс берар эди. Дамашқда туғилиб, шу ерда вафот этган. (950-1032 ҳижрий, 1544-1623 милодий). Унинг “Сакб ал-анҳар ала мултақа ал-абҳур” – “Денгизлар туташувида дарёлар қуйилиши” номли фароиз (мерос) га оид асари, тажвид илмида “Ал-муқаддима ал-алоийя” - “Аълоий муқаддимаси” ва Қуръони каримнинг ўн қироатига бағишланган “Ал-алғаз ал-аълаийя” - “Аълоий сирлари” номли асарлари бор¹⁴”. Алоуддин Таробулусий Дамашқ қориларининг шайхи, қироат, фароиз, фикҳ каби диний билимлар билан биргаликда ҳисоб – математика каби дунёвий илм билимдони сифатида эътироф этилган¹⁵. Шайх Таробулусийнинг “Руус ал-масаил”ни ўқиб, ундан фойдалар ҳосил қилгани ҳақида асар саҳифасига битик ёзиши, мазкур қўлёзма асрлар давомида ҳанафий олимлар эътиборида бўлганига далолат қилади. Қўлёзма ўқилган 1618 йил олимнинг Дамашқдаги фаолияти даврига ва илм-маърифатда тажриба ҳамда шухрат қозонган 64 ёшига тўғрига келади.

References:

1. Арберри. Честербити Араб қўлёзмалари каталоги.. –Дублин, 1958. -Ж.3. –Б.44.
2. Маҳмуд Замахшарий. Руусул-масаил ал-хилафия байнал-ҳанафия ваш-шафия. –Байрут: Дорул-башаирил-исламия. 2007. -620 б.
3. Chester Beatty Library. CBL AR 3600.
4. Қози ибн Халликон. “Вафаёт ал-аъён анбау абна аз-заман”. Байрутю “Дор содир”.1997. Ж.5.-Б.169.
5. Хайруддин аз-Зириклий. “Ал-Аълам”. “Дор ал-илм лил-малайин”, 2002. 7-ж. -Б.178
6. Ибн Қутлуғбека, Тожут-таражим фий табақотил-ҳанафия. www.alwarraq.com. Ж.1. –Б.24
7. Маҳмуд Замахшарий. Руусул-масаил ал-хилафия байнал-ҳанафия ваш-шафия. – Байрут: Дор ал-башаир ал-исламия. 2007. -620 б. Ўша асар.-Б.1.
8. <https://www.majalisna.com/wp/omani-tribes/alshibli/>
9. <https://ar.wikipedia.org/wiki/%D8%B9%D8%AF%D9%86%D8%A7%D9%86%D9%8A%D9%88%D9%86>
10. <https://alfrejat.ahlamontada.net/t556-topic#top>
11. Хуршид Маъруф. Американинг мис қироли. <https://islom.uz/maqola/17273>
12. <https://ar.wikipedia.org/wiki/%D9%82%D8%AD%D8%B7%D8%A7%D9%86%D9%8A%D9%88%D9%86>
13. Зириклий. Ал-аълам қомусу тарожим. –Байрут: Дар ал-малайин, 2022. –Ж.5. –Б.13
14. Алоуддин Али ибн Муҳаммад Таробулусий. <https://tarajm.com/people/25763>

¹⁴ Зириклий. Ал-аълам қомусу тарожим. –Байрут: Дар ал-малайин, 2022. –Ж.5. –Б.13

¹⁵ Алоуддин Али ибн Муҳаммад Таробулусий. <https://tarajm.com/people/25763>